

**ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ФИЗИКА-  
МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ PhD.03/27.02.2020.FM.106.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ҒАЙНАЗАРОВА ҚИЗЛАРХОН ИСРОИЛОВНА**

**Bi-Sb-Se-Te АСОСИДА ТЕРМОЭЛЕКТРИК ҚОТИШМАЛАР ОЛИШ  
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА ЭЛЕКТРОФИЗИК  
ХОССАЛАРИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ**

**01.04.07 – Конденсирланган ҳолат физикаси**

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фарғона – 2022**

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по физико-математическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
physical and mathematical sciences**

**Ғайназарова Қизлархон Исроиловна**

Bi-Sb-Se-Te асосида термоэлектрик қотишмалар олиш  
технологиясини ишлаб чиқиш ва электрофизик хоссаларини  
тадқиқ қилиш ..... 3

**Ғайназарова Қизлархон Исраиловна**

Разработка технологии получения и исследование  
электрофизических свойств термоэлектрических сплавов на  
основе Bi-Sb-Se-Te ..... 26

**Gaynazarova Qizlarxon Israilovna**

Development of technology for the production and study of electro-  
physical properties of thermoelectric alloys based on Bi-Sb-Se-Te ..... 48

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

**Список опубликованных работ**

List of published works ..... 54

**ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ФИЗИКА-  
МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ ИЛМий  
ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ PhD.03/27.02.2020.FM.106.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ҒАЙНАЗАРОВА ҚИЗЛАРХОН ИСРОИЛОВНА**

**Bi-Sb-Se-Te АСОСИДА ТЕРМОЭЛЕКТРИК ҚОТИШМАЛАР  
ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА ЭЛЕКТРОФИЗИК  
ХОССАЛАРИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ**

**01.04.07 – Конденсирланган ҳолат физикаси**

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фарғона – 2022**

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.3.PhD/FM638 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Фарғона давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.ferpi.uz](http://www.ferpi.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Онаркулов Каримберди Эгамбердиевич**  
физика-математика фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Каримов Иброҳим Набиевич**  
физика-математика фанлари доктори, профессор.

**Султанов Номанжон Акрамович**  
физика-математика фанлари доктори, профессор.

**Етакчи ташкилот:**

**Самарқанд давлат университети**

Диссертация ҳимояси Фарғона политехника институти ҳузуридаги фалсафа доктори илмий даражасини берувчи PhD.03/27.02.2020.FM.106.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 150107, Ўзбекистон, Фарғона шаҳри, Фарғона кўчаси, 86-уй. Тел.: (99873) 241-13-03. Факс: (99873) 241-12-06; e-mail: [uzferfizika@mail.ru](mailto:uzferfizika@mail.ru), Фарғона политехника институти мажлислар зали.

Диссертация билан Фарғона политехника институтининг ахборот-ресурс маркази илмий-услубий бўлимида танишиш мумкин. (\_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 150107, Фарғона шаҳри, Фарғона кўчаси, 86-уй. Тел.: (99873) 241-13-03.

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**Н.Х. Юлдашев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
физика-математика фанлари, доктори, профессор.

**Б.З. Полвонов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби,  
физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент.

**С.Ф. Эргашев**

Илмий кенгаш ҳузуридаги илмий даражалар берувчи илмий семинар раис ўринбосари, физика-математика фанлари, доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда конденсирланган ҳолат физикаси тез ривожланмоқда, бунда  $Bi_2Se_3$  ва  $Sb_2Te_3$  структурали бирикмаларга турлича киришма атомларини киритиш йўли билан, матрица материалдан фарқ қиладиган, келажаги порлоқ термоэлектрик материалларни олишга муҳим эътибор берилмоқда. Ҳозирги кунда ривожланган мамлакатлар етакчи олимларининг соҳага тегишли илмий ишлари таҳлиллари натижаларидан кўринадики, замонавий термоэлектрик генератор (ТЭГ) лар ишончли муқобил энергия манбаларидан бири бўлиб, уларнинг самарадорлигини янада ошириш тақозо этилмоқда. Аммо ТЭГ ларнинг энергетикада кенг қўлланилиши бир мунча мураккаб, қимматбаҳо хом ашё ва ускуналарни талаб қилади. Шунинг учун асосга киришма атомлар киритиш усули орқали янги авлод термоэлектрик материалларни излаб топиш, уларнинг физикавий хусусиятларини тадқиқ қилиш натижалари асосида мақсадли синтез қилиш ҳамда амалий қўлланилишини кенгайтириш борасидаги илмий тадқиқотларни олиб бориш муҳим вазифа ҳисобланади.

Жаҳонда ТЭГ ларнинг қўлланилиш борасидаги муаммо уларнинг фойдали иш коэффициентининг нисбатан пастлиги ва таннархининг баландлиги бўлиб,  $Bi_2B^{VI}_3$  ва  $Sb_2B^{VI}_3$  ( $B^{VI}$ –Se,Te) асосидаги яримўтказгич материалларда янги физик ҳодисаларни аниқлаш ҳамда унинг негизида ишлатилаётган термоэлектрик материаллар яратишга катта аҳамият берилмоқда. Бу ўринда самарали тадқиқотлар ўтказиш, жумладан, яримўтказгич материалнинг электрофизик параметрлари ва киришма атомларнинг таркибини аниқлаш, уларнинг табиати билан боғлиқ бўлган легирлаш усулларини танлаш,  $Bi_2B^{VI}_3$  ва  $Sb_2B^{VI}_3$  ( $B^{VI}$ –Se,Te) асосида янги материал олиш ҳамда уларнинг функционал имкониятларидан амалиётда кенг фойдаланиб амалий қўлланилишини кенгайтириш борасидаги илмий тадқиқотларни олиб бориш муҳим вазифалардан ҳисобланмоқда.

Республикамизда қайта тикланувчи энергия манбаларидан кенг фойдаланиш ва самарадорлигини оширишга ёрдам берадиган янги материаллар олиш бўйича тадқиқотлар ўтказиш ва уларни амалда қўллаш бўйича кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида, жумладан «Иқтисодиётни электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш ҳамда “Яшил иқтисодиёт” технологияларини барча соҳаларга фаол жорий этиш, иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини 20 фоизга ошириш»<sup>1</sup> бўйича вазифалари белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда, янги типдаги бинар комплексларга эга бўлган қуёш элементларини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тарққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

стратегияси тўғрисида»<sup>2</sup>ги Фармони, 2020 йил 10 июлдаги ПҚ-4779-сон «Иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини ошириш ва мавжуд ресурсларни жалб этиш орқали иқтисодиёт тармоқларининг ёқилғи-энергетика маҳсулотларига қарамлигини камайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»<sup>3</sup>, 2021 йил 9 апрелдаги ПҚ-5063-сон «Ўзбекистон Республикасида қайта тикланувчи ва водород энергетикасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»<sup>4</sup> 2018 йил 17 июлидаги ПҚ-3855-сонли “Илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини тижоратлаштириш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”<sup>5</sup>ги<sup>4</sup>, 2018 йил 6 августдаги ПҚ-3899-сонли “Илмий ва инновацион фаолиятни интеграциялаш тизимининг самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”<sup>5</sup>ги<sup>5</sup>, 2021 йил 19 мартдаги ПҚ-5032-сонли “Физика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий тадқиқотларни ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”<sup>6</sup>ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг Ўзбекистон республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги.** Ушбу диссертация иши Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожланишининг III. “Энергетика, энергоресурс тежамкорлиги, асбобсозлик, замонавий электроника, микроэлектроника, электрон асбобсозликни ривожлантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Bi-Sb-Se-Te асосидаги қаттиқ қотишмаларга легирловчи компонентлар киритиш билан юқори ишчи параметрларга эга бўлган яримўтказгич қотишмалар олиш, шунингдек, Bi<sub>2</sub>Te<sub>3</sub>-Sb<sub>2</sub>Te материалнинг электрофизик ва термоэлектрик параметрларига таъсирини ўрганиш масалаларига оид илмий тадқиқотлар жаҳоннинг илғор мамлакатларидаги илмий тадқиқот марказлари ва университетларида олиб борилмоқда. Хусусан, М. D.Ватсон(Германия), Хё-Юнг, Жу-Хюк, Жин-Санг, (Сеул, Корея), Ф.Добровский, М.Крузевский (Польша)Х.Шеррер, С.Шеррер (Франция), Жинсонг Жанг ва Суи-Зу Чанг (Пекин, Хитой ҳалқ Республикаси), А.Н.Солонин (Россия), томонидан экспериментал тадқиқотларда Bi<sub>2</sub>Te<sub>3</sub>-Sb<sub>2</sub>Te асосидаги яримўтказгич материалларга легирловчи киришмалар киритилганда электрофизик ва термоэлектрик хусусиятларига таъсири натижасида янги материаллар ҳосил бўлиши кузатилди ва бу ҳодисаларни ўрганиш такомиллаштириб борилмоқда.

Ўзбек олимлари Г.Абдурахмонов ва уларнинг шогирдлари оралиқ металл оксидлари билан легирланган силикатларда, жумладан шишасимон ҳолатда асосий термоэлектрик хоссалар - термоЭЮК коэффиценти, электр ва иссиқлик ўтказувчанлигига силикат ва лигатура таркибининг ҳамда

<sup>2</sup> <https://lex.uz/docs/4890081>

<sup>3</sup> <https://lex.uz/docs/5362032>

<sup>4</sup> <https://lex.uz/docs/3823583>.

<sup>5</sup> <https://lex.uz/docs/3853858>

<sup>6</sup> <https://lex.uz/docs/5338558>.

тузилишининг таъсирини назарий ва экспериментал ўрганган, профессор Р.Я.Расулов термоэлементларнинг ностационар совутиш жараёнларига контактлар соҳаларидаги температуравий нотурғунликнинг назарий таҳлил қилган. М.Б.Набиев термоэлектрик элементлардан ТЭГ тайёрлаш ва қўллашни такомиллаштирган, шунингдек, профессор К.Э.Онаркулов ва доцент Я.У.Усмоновлар термоэлектрик материалларнинг хусусиятларига турли киришмаларнинг таъсирини ўрганиш борасида яримўтказгичли қотишмалар олиш технологиясини таклиф қилганлар.

Шу билан бирга, легировчи киришма атомларининг асосдаги параметрлари ва технологик шароитлари ўртасидаги боғлиқлиги ҳамда термоэлектрик эффективликни ошириш имконини берувчи юқори даражадаги кимёвий бир жинсли яримўтказгич қотишмалар олишнинг электрофизик ва термоэлектрик параметрларига таъсири етарли даражада ўрганилмаган.

**Диссертация тадқиқотларининг диссертация иши бажарилган ташкилотнинг илмий-тадқиқот ишлари режасига алоқадорлиги.** Диссертация иши Фарғона давлат университети илмий тадқиқотлар режаси, жумладан 2012-2014 йилларда бажарилган ИТД-12-56 “Яримўтказгичлардан термоэлектрик материаллар тайёрлаш” мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** турли хил киришмалар билан легирлаш орқали Bi-Se-Sb-Te қаттиқ қоришма қуймасини олиш технологиясини такомиллаштириш ва ярим ўтказгичли термоэлектрик генераторлар тайёрлаш учун уларнинг физик хоссаларини ўрганишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

$\text{Bi}_2\text{Te}_3 - \text{Bi}_2\text{Se}_3$  асосида кимёвий бир жинсли ва зарур термоэлектрик параметрларга эга бўлган қуймалар олиш учун турли конфигурациядаги очик буғлатгичларда намуналар ўстириш методикасини ишлаб чиқиш ҳамда эриш билан боғлиқ ушбу жараёнларнинг физик-кимёвий асосларини тадқиқ этиш;

Инерт газ босими остидаги затворли кварц тигелда  $\text{Bi}_2\text{Te}_3 - \text{Bi}_2\text{Se}_3$ ,  $\text{Bi}_2\text{Te}_3 - \text{Sb}_2\text{Te}_3$  қотишмалар олиш ҳамда уларнинг ўзига хос термоэлектрик ва гальваноманит хоссаларини ўрганиш;

Термоэлементларнинг ностационар совутиш жараёнларига контакт соҳаларида юзага келувчи температуравий нотурғунликнинг таъсирини ўрганиш.

**Тадқиқот объекти** сифатида  $\text{Bi}_2\text{B}^{\text{VI}}_3$  ва  $\text{Sb}_2\text{B}^{\text{VI}}_3$  ( $\text{B}^{\text{VI}} - \text{Se, Te}$ ) асосидаги яримўтказгич материаллар ва легировчи Te, Se, Pb, Ni,  $\text{NH}_4\text{I}$  киришмалар танланган.

**Тадқиқот предмети.** Яримўтказгичли термоэлектрик қотишмалар ўстиришнинг физик-кимёвий жараёнлари ва уларнинг электрофизик хоссалари, шунингдек  $\text{Bi}_2\text{Se}_3 - \text{Sb}_2\text{Te}_3$  қотишмалар асосида суяқ азотли термогенераторни яратишдан иборат.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқот жараёнида  $\text{Bi}_2\text{B}^{\text{VI}}_3$  ва  $\text{Sb}_2\text{B}^{\text{VI}}_3$  ( $\text{B}^{\text{VI}} - \text{Se, Te}$ ) асосидаги яримўтказгич материаллар олиш учун инерт газ босими остида қотишмалар ўстириш усулидан, тузилмавий тадқиқотларда рентгенодифрактометр усулидан, термоэлектрик катталикларни ўлчаш

қурилмалари мажмуасидан ва солиштирма қаршилиқни текширишда тўрт зондди усуллардан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк маротаба Bi-Sb-Se-Te асосидаги дастлабки хом-ашёнинг турли партияларидан легирловчи компонентлар Pb, Ni, NH<sub>4</sub>J киритиш орқали оптимал электрофизик хусусиятларга эга бўлган термоэлектрик қотишмалар олишнинг физик-кимёвий параметрлари аниқланган;

илк бор  $Bi_2Te_3 - Bi_2Se_3$  қотишмаларига 0,04 мол.% NH<sub>4</sub>J легирловчи қўшимча киритилганда, тўйинтирувчи буғининг босимини бошқариш натижасида материал асслигининг ўртача интеграл қийматини (Z)  $0,08 \cdot 10^{-3} K^{-1}$  га ошиши аниқланган;

термогенераторлар учун  $\sigma = 1500 \text{ Ом}^{-1} \cdot \text{см}^{-1}$ ,  $\alpha = 175 \text{ мкВ/К}$  қийматлар билан характерланувчи оптимал термоэлектрик хоссалар  $Bi_2Te_3 - Bi_2Se_3$  қотишма шихтасига легирловчи қўшимча сифатида 0,05 мол % қўрғошин киритилганда юзага келиши аниқланган;

тармоқларининг узунликлари каттароқ бўлган термоэлементларда контакт қаршилиқлар таъсирининг камлиги туфайли энг юқори ностационар совутиш қиймати ( $\Delta T_{\text{max}}$ ) юқори (80-100 К) бўлиши, ҳамда импульсли токнинг қиймати оптимал токка қараганда уч мартагача ортиши аниқланган;

илк марта атроф-муҳитнинг паст ҳароратли потенциалини фойдали иш коэффициентини 7,6 % бўлган суюқ азотли термогенератор ёрдамида электр энергиясига айлантириш механизмлари экспериментал тадқиқ этилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

$Bi_2Te_3 - Bi_2Se_3$  ва  $Bi_2Te_3 - Sb_2Te_3$  материаллари асосида термоэлектрик қотишмалар олишнинг физик-кимёвий асослари ва оптимал режимлари тавсия этилган;

висмут ва сурьма халькогенидларининг қаттиқ қотишмалари асосидаги термоэлектрик материаллардан самарадорлиги юқори бўлган термоэлементлар олиш ва ТЭГ ишлаб чиқаришда қўллаш усуллари тавсия этилган .

**Олинган натижаларнинг ишончлилиги** юқори аниқликка эга бўлган, жаҳон амалиётида кенг қўлланилиши билан тадқиқотчилар ишончига сазовор бўлган техник ва электр асбоблар, синалган технологиялар асосида олинган моддалардан фойдаланилганлиги, натижаларнинг қайтарилувчанлиги, натижаларнинг бошқа муаллифларники билан сон ва сифат жиҳатдан мос келиши билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти:**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, Bi-Sb-Se-Te асосидаги яримўтказгичли қаттиқ қотишмаларни физик-кимёвий хоссаларини ўрнатган ҳолда электрофизик, термоэлектрик хусусиятларини тадқиқ қилиш, шунингдек, термоэлементларни ишчи параметрларини мақсадли бошқариш имконини очиб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Bi-Sb-Se-Te асосидаги қаттиқ қотишмаларга легирловчи компонентлар Pb, Ni, NH<sub>4</sub>J киритиш билан

олинган намуналардан келгусида самарадорлиги юқори термоэлементлар ва арзон ТЭГ лар ишлаб чиқаришда қўлланилиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Турли хил киришмалар билан легирлаш орқали Bi-Se-Sb-Te асосида самарадорлиги юқори бўлган каттик қотишма олиш технологиясини такомиллаштириш ва уларнинг физик хоссаларини ўрганиш бўйича олинган натижалар асосида:

Bi-Sb-Se-Te асосида Pb, Ni, NH<sub>4</sub>J билан легирланган, оптимал электрофизикавий хоссаларга эга бўлган термоэлектрик қотишмалар олиш технологияси, шунингдек тармоқлари узун бўлган термоэлементларда контакт қаршилиқнинг таъсири натижаларидан «FOTON» АЖда яримўтказгичли электрон қурилмалар тайёрлашда фойдаланилган (“Ўзэлтехсаноат” уюшмаси қошидаги “Фотон” акциядорлик жамиятининг 2022 йил 16 мартдаги 77-сон маълумотномаси). Натижада тажрибавий электротехник асбобларни ишчи параметрларини яхшилаш имкони яратилган;

тўйинган буғ босимини бошқариш орқали Pb, Ni, NH<sub>4</sub>J киришмалари билан легирланган  $Bi_2B_3^{VI}$  и  $Sb_2B_3^{VI}$  ( $B^{VI}-Se, Te$ ) асосидаги қотишмаларни ишчи параметрларни яхшилашга олиб келадиган технологик усули, Андижон давлат университетида 2016-2020 йилларда олиб борилган ОТ-Ф2-68 рақамли “Кристалларда киришма-нуқсон туридаги микро- ва нанобирикмаларини ҳосил бўлиш механизмлари ва уларнинг кенг функционал имкониятли кўпқатламли тузилмалар яратишдаги роли” мавзусидаги фундаментал лойиҳасида фойдаланилган (Андижон давлат университети томонидан 8.01.2022 йилда берилган №38-01-04 рақамли Маълумотнома). Илмий натижалардан фойдаланиш тайёрланаётган айнан бир хил параметрли структураларни яроқли чиқиши фоизини ошириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертация ишининг асосий натижалари 8 та халқаро ва 6 республика илмий конференцияларда маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш чоп этилган, Ўзбекистон республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий журналларда 5 та мақола нашр этилган.

**Диссертация тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, 39 та расм ва 1 та жадвални ўз ичига олган. Диссертация иши 123 бетдан ташкил топган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Диссертациянинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурлиги асосланган, тадқиқотнинг республикамиздаги фан ва технологиялар ривожининг асосий устувор йўналишлари билан алоқаси кўрсатиб берилган, диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий-тадқиқотлар шарҳи ва диссертация доирасида қаралаётган муаммоларнинг ўрганилганлик даражаси, ишнинг мақсади ва бу мақсадни амалга ошириш учун ечилиши зарур бўлган масалалар тавсифи, ўтказилган тадқиқотларнинг илмий ва амалий аҳамияти келтирилган.

Диссертациянинг «**Bi-Se-Sb-Te қаттиқ қотишмаларининг кристалл структураси, физик-кимёвий ва термоэлектрик хоссаларини ўрганишнинг ҳозирги ҳолати**» деб номланган биринчи бобда асосан 200-600 К температуралар оралиғида ишлайдиган термоэлектрик материаллар бўйича кейинги йиллардаги мавжуд илмий тадқиқотлар, жумладан  $\text{Bi}_2\text{Te}_3$ ,  $\text{Bi}_2\text{Se}_3$  ва  $\text{Sb}_2\text{Te}_3$  қаттиқ қотишмаларини олиш технологиясини такомиллаштириш, олинган материалларни электрофизик хоссаларини тадқиқ қилиш, уларга турли киришмалар киритиш йўли билан термоэлектрик самарадорлигини ошириш соҳасида мавжуд илмий тадқиқотлар бўйича адабиётлар шарҳи ва таҳлили келтирилган. Бунда, электр ўтказувчанлик ва термоэюк коэффициентларини таркибга боғланишини тадқиқ қилиш натижалари, Bi-Sb-Te-(Se) тизимида юқори термоэлектрик хоссаларга эга бўлган қаттиқ қотишмаларнинг узлуксиз тизими ҳосил бўлишини кўрсатди. Олиб борилган таҳлиллар асосида юқори самарадорликка ва мустаҳкамликка эга бўлган термоэлектрик материалларга қўйиладиган асосий талаблар (заряд ташувчилар концентрациясининг оптимал қийматини таъминлаш, яъни электр ўтказувчанлик ва термоэюк етарлича катта бўлиши, иссиқлик ва электр оқимларини ўтишининг оптимал шартлари) келтирилган. Боб охирида ушбу диссертация иши доирасида амалга ошириладиган тадқиқотлар мақсади ва вазифалари шакллантирилган.

“**Қотишмаларни олиш қурилмаси ва уларнинг параметрларини ўлчаш методикаси**” деб номланган иккинчи бобда қўлланиш соҳасига қараб висмут ва сурьма халькогенидлари асосидаги мураккаб бирикмалар олиш технологиясига қўйиладиган талаблар изоҳланган ва юқори термоэлектрик самарадорликка эга бўлган қаттиқ қотишмалар олиш учун яратилган қурилманинг тузилиши, ишлаш принципи, олинган қотишмаларнинг параметрларини ўлчаш методикаси келтирилган.

Ҳозирда қаттиқ қотишмалар олишнинг кўплаб технологиялари мавжуд. Жумладан, ампула методи, Бриджмен методи, Чохральский методи, зонавий эритиш, флюслар билан эритиш, инерт газ босими остида эритиш технологиялари. Лекин санаб ўтилган усулларнинг қатор камчиликлари бор. Масалан: қотишма узунлиги бўйлаб киришмаларнинг бир жинсли тақсимланмаслиги; қурилма ва асбобларнинг ўта қимматлиги; зарур бўлмаган киришмаларнинг асосий компонентга кириб қолиши ва ҳ.к. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, инерт газ босими остида термоэлектрик материалларни


олиш ва легирлаш қурилмаси ишлаб чиқилган. 1-расмда ушбу қурилманинг чизма кўриниши келтирилган. Қурилманинг ўзига хослиги эритиш контейнерининг қайта ишлатиш имконияти мавжудлигидадир. Эритиш учун контейнер сифатида конус шаклидаги 1 кварц тигелдан фойдаланилади. Эриш тутқич орқали олиб борилса, тигелни ички диаметрига мос тушадиган ва эркин ҳаракат қила оладиган тутқич танлаб олинади, у идиш девори ва тигел билан 1÷1,5 мм оралиқда бўшлиқ ҳосил қилади. Ўлчаб олинган аралашма тепадан тутқич билан беркитилган тигелга юкланади. Тутқичдан фойдаланиш буғланиш юзасини ва эритиш жараёнида учувчанлик туфайли йўқотишлар фоизини камайтиради. Сўнгра контейнер кварц стакан 2 га ўрнатилади, у ўз навбатида пўлат идиш 14 га жойлаштирилади (2 -расм). Пўлат идиш 14 болтлар ёрдамида коллектор 11 асосига герметик равишда маҳкамланади. Жўмрак 6 ёпилади, жўмрак 10 очилади ва идишда  $10^{-2}$  мм.сим.уст. босимгача ҳаво сўриб олинади. Зарур ҳолда шу вақтда печ 2 пўлат идиш томон сурилади ва газларни ажралиб чиқиши амалга оширилади.



**1-расм. Материалларни эритиш учун контейнернинг чизма кўриниши**

Керакли вакуумга етгандан сўнг, жўмрак 10 ёпилади, жўмрак 6 очилади ва идиш 1,5 атм босимгача аргон билан тўлдирилади.

Кейин жўмрак 6 ёпилади ва печнинг ҳарорати кўтарилади. Агар керак бўлса, “юқори вакуум” ҳосил қилиб, идишни агрон газ билан тўлдириш мумкин. Эриш ҳароратига етганда, қотишмада суюқ ҳолатга ўтиш ва гомогенлашув жараёни содир бўладиган вақтгача кутиб турилади. Эриш жараёнида аргон газининг 4 атм. босими,



**2-расм. Инерт газ босими остида термоэлектрик материалларни эритиш қурилмасининг чизма кўриниши.**


750°C ҳароратда 30 дақиқа ушлаб турилади. Белгиланган шароитда қотишмани ушлаб тургандан сўнг печ ўчирилади, идиш совутилади ва печ хона ҳароратигача тўлиқ совигандан кейин пўлат идиш туширилади.

Инерт газ босими остида термоэлектрик материалларни олиш технологиясидан фойдаланиш тўйинган буғларни ўлчаш усуллари ва ўстирилган қотишманинг физик параметрларини ўлчаш методикасини ишлаб чиқишни талаб қилди.

Тўйинган буғнинг паст босимларини ўлчашда Ленгмюрнинг очик юзадан буғланиш усули ва Кнудсеннинг эффузия усули энг кўп ишлатилади. Иккала усул ҳам паст босимли буғ учун, буғ оқимининг молекуляр режими амалга оширилганда қўлланилади. Бу ҳол қолдиқ газ босими  $10^{-4}$  мм.сим.уст.дан паст бўлганда текширилаётган модданинг ички буғ босими 0,1 мм.сим.уст.дан ошмаган (Кнудсен усули) ёки 1 мм.сим.уст. (Ленгмюр усули) атрофида бўлади. Ленгмюр усулини ишлатишнинг қийинчилиги кўп ҳолларда буғланиш коэффиценти номаълумлигидан келиб чиқади. Бундан ташқари, ўлчов натижаларига намунанинг ички ва сирт ҳароратининг фарқи туфайли сезиларли хатолар келиб чиқади. Ленгмюр усулининг бу камчиликлари етарли даражада ишончли бўлмаган натижаларга олиб келади. Шунинг учун биз тўйинган буғ босимини аниқлаш учун Кнудсен усулини танладик. Ленгмюр усулига қараганда Кнудсен эффузион усулининг яна бошқа афзаллиги уни қаттиқ ва суюқ моддалар учун ишлатилиши мумкинлиги ва нисбатан аниқлиги билан боғлиқ.

Тўйинган буғ босимини эффузия усули билан ўлчаш жараёни чизма кўриниши 3-расмда келтирилган қурилманинг ишчи модда юкланган камерасини йўқотилган массасига қараб амалга оширилган. Ушбу тўйинган буғ босимини ўлчаш қурилмаси вакуум тизимнинг буғ босимини аниқлаш асбоби ва ҳароратни автоматик бошқариш тизимига эга электр қисмдан иборат. Қурилма буғланиш ҳароратининг барқарорлигини 5% гача хатоликда ўлчашини таъминлайди, шунингдек, фойдаланишда содда ва қулай. Қурилма қуйидаги асосий қисмлардан иборат: юпқа йўлак 1 орқали ўзаро боғланган кварц найчалари 2, 10; эффузион камера 8, термopара 9, печ 11, қурилмани вакуумли тизимга улаш учун 3 ва 13 – улаш қисмлари.

Олинган қотишмалардан тайёрланган ярим элементларда термоэлектрик параметрлар ўлчанди. Ярим элементларни тоблаш  $390^{\circ}\text{C}$  ҳароратда 17 соат давомида вакуум даражаси  $10^{-2}$  мм.сим.уст. бўлган кварц ампулаларда ўтказилди. Олинган ярим элементларнинг характеристикалари солиштирма электр ўтказувчанлиги  $\sigma$  ( $\text{Om}^{-1}\cdot\text{m}^{-1}$ ), термоэлектр юритувчи куч коэффиценти  $\alpha$  ( $\text{мкВ/К}$ ) ва солиштирма иссиқлик ўтказувчанлиги  $\chi$  ( $\text{Ж/м}\cdot\text{с}\cdot\text{К}$ ) ларни ўлчаш билан аниқланди ва улар асосида материалнинг аслиги топилди. Намуналарнинг солиштирма электр ўтказувчанлиги компенсация усули билан доимий токда, орасидаги масофа аниқ бўлган тўрт зонд ёрдамида ўлчанди. Термоэюк хона ҳароратида дифференциал усул билан ўлчанди. Бу ҳолда, намунадаги  $8\text{--}15^{\circ}\text{C}$  бўлган ҳарорат фарқи намунанинг



**3-расм. Тўйинган буғ босимини эффузия усули билан ўлчаш қурилмасининг чизма кўриниши.**

пастки учи хона ҳароратида бўлганда, ташқи иссиқлик манбаи билан иситилиб ҳосил қилинди.

Доимий токда  $\alpha$  ва  $\sigma$  ларнинг ҳароратга боғланиши текширилаётган намуналар жойлашган муҳит (аргон) ҳароратини босқичма-босқич ўлчаш билан компенсация схемаси ёрдамида зонд усулида аниқланди. Юқори ҳароратлардаги ўлчашлар ҳам, хона ҳароратида ўтказилган усуллар каби амалга оширилди.  $\alpha$ ,  $\sigma$ ,  $\chi$  термоэлектрик параметрларни ўлчашнинг нисбий хатолиги 3% дан 5% гача қийматни ташкил этди.

Қотишма компонентларининг парциал буғ босими бир қатор ишларда кўрсатилганидек мураккаб характерлидир. Буғланиш диссоциатив бўлиб, бирикма молекулалари буғда беқарор ва турли молекуляр шаклларга парчаланади. Бизнинг ҳолда уч компонентли тизимларнинг қотишмалари буғланганда, буғнинг таркиби ва демак, унга мос келадиган “каттиқ фаза -буғ” мувозанати янада мураккаблашади.  $\text{NH}_4\text{J}$  билан легирланган  $\text{Bi}_2\text{Te}_3$ - $\text{Bi}_2\text{Se}_3$  қотишманинг буғ босими 703-823 К ҳарорат оралиғида ўлчанди. Буғнинг таркибида ~80 мол%  $\text{Bi}_2\text{Te}_3$ , ~20 мол.%  $\text{Bi}_2\text{Se}_3$  ва ~0,04 мол.%  $\text{NH}_4\text{J}$  ташкил этган.  $\text{NH}_4\text{J}$  қўшилган  $\text{Bi}_2\text{Te}_3$ -  $\text{Bi}_2\text{Se}_3$  аралашманинг буғланиши калий хлоридга нисбатан созланган кварц эффузион камерасидан амалга оширилди. Ўлчаш натижалари 1-жадвал келтирилган.

**1- Жадвал.  $\text{NH}_4\text{J}$  билан легирланган 80 мол.%  $\text{Bi}_2\text{Te}_3$ , 20 мол.%  $\text{Bi}_2\text{Se}_3$  қотишма юзасида висмут теллурид ва висмут селениднинг парциал буғ босимини ўлчаш натижалари.**

Ҳарорат, К	$\frac{1}{T} \cdot 10^3$ , 1/К	Вақт, с	$\text{Bi}_2\text{Te}_3$			$\text{Bi}_2\text{Se}_3$		
			Масса йўқо- тиш $\text{m} \cdot 10^4$ г	буғ босими, Р мм.сим.уст.	-lgP	Масса йўқо- тиш, $\text{m} \cdot 10^4$ г	буғ босими, Р мм.сим.уст.	-lgP
703	1,420	14400	3,32	$1,26 \cdot 10^{-4}$	3,8995	0,58	$2,82 \cdot 10^{-5}$	4,5498
723	1,380	10800	6,64	$3,72 \cdot 10^{-4}$	3,4295	1,35	$7,70 \cdot 10^{-5}$	4,1135
743	1,347	14400	16,00	$6,23 \cdot 10^{-4}$	3,2055	4,00	$1,72 \cdot 10^{-4}$	3,7545
763	1,310	9000	23,24	$1,47 \cdot 10^{-3}$	2,8327	4,76	$3,31 \cdot 10^{-4}$	3,4802
783	1,277	7200	41,5	$3,31 \cdot 10^{-3}$	2,4802	8,5	$7,52 \cdot 10^{-4}$	3,1238
803	1,245	7200	119,52	$0,97 \cdot 10^{-4}$	2,0132	24,48	$2,19 \cdot 10^{-4}$	2,6595
823	1,215	7200	343,74	$2,57 \cdot 10^{-4}$	1,6901	64,26	$5,79 \cdot 10^{-4}$	2,2375

Ўлчаш натижаларига кўра буғнинг парциал босимини ҳароратга боғланиши қуйидаги эмпирик тенгламаларга мос келиши аниқланди:

$$\lg P_{mm.sim.ust.} = -\frac{11037}{T} + 11,71(\text{Bi}_2\text{Te}_3) \quad (1)$$

$$\lg P_{mm.sim.ust.} = -\frac{11575}{T} + 11,916(\text{Bi}_2\text{Se}_3) \quad (2)$$

4-расмда  $\text{NH}_4\text{J}$  қўшилган висмут теллурид ва висмут селениднинг парциал босими учун  $\lg P \sim -1/T$  график боғланиш соф  $\text{Bi}_2\text{Te}_3$  ва  $\text{Bi}_2\text{Se}_3$  га нисбатан таққослаб кўрсатилган.


Олинган натижалар шуни кўрсатадики, қотишмалар учун  $\lg P \sim 1/T$  координаталаридаги чизикларнинг оғиш бурчаги соф бирикмалар учун оғиш бурчагига жуда яқин (4-расм).

Диссертациянинг «Тўсиқли кварц буғлатгичларда инерт газ босимида олинган  $\text{Bi}_2\text{Te}_3$  -  $\text{Bi}_2\text{Se}_3$  ва  $\text{Bi}_2\text{Te}_3\text{-Sb}_2\text{Se}_3$  қотишмаларнинг термоэлектрик ва гальваномагнит хоссалари» деб номланган 3-бобида кўп компонентли қотишмалар олиш технологиясининг ўзига хос томонларини ҳамда уларнинг термоэлектрик ва гальваномагнит хоссаларини тадқиқот натижалари келтирилган.


Маълумки, дастлабки хом-ашёнинг ихтиёрий таркибий нисбатлари термоэлектрик хоссалари оптимал бўлган легирланган қотишма материал олишга имкон бермайди. Шунинг учун  $\text{Bi}_2\text{Te}_3$  ва  $\text{Bi}_2\text{Se}_3$  асосидаги материал параметрларини тўғри танлаш учун хом-ашёни ҳар хил партияларидан олинган материалларнинг параметрларини ўрганиб чиқдик. Асоснинг параметрларини мақсадли ўзгартириш усули сифатида биз шихтага стехиометриядан ортиқча халкогенлар киритиш йўлини қўладик.

Термоэюк коэффиценти  $\alpha = 200 \div 240$  мкВ/К ва солиштирма электр ўтказувчанлиги  $\sigma = 60 \div 200$  Ом<sup>-1</sup>·см<sup>-1</sup> оптимал қийматларга эга бўлган асосни олиш учун халкоген миқдорининг ўзгаришига қараб асоснинг термоэлектрик хоссалари текширилди. Аралашмага стехиометриядан ошқича киритилган халкогенлар сифатида теллур, селен ва олтингугурт ишлатилди. Тадқиқотлар аралашмадаги ортиқча олтингугурт айнан шундай миқдордаги қўшимча селен ёки теллурга кўра асосий материал термоэлектрик параметрларини ўзгартиришга самаралироқ таъсир қилишини кўрсатди. Амалга оширилган тажрибаларга асосланиб, шихтага киритилган ортиқча халкоген концентрациясининг мумкин бўлган нисбий қийматлар оралиғи аниқланди: теллур учун 0,10 мол.% дан 0,60 мол.% гача, селен учун 0,05 мол.% дан 0,30 мол.% гача, олтингугурт учун 0,05 мол.% дан 0,30 мол.% гача.

Тадқиқот натижалари 5 а, б, с расмларда келтирилган. Расмлардан кўриниб турибдики, асосга турли хил халкогенлар ортиқча киритилганда термоэлектрик хоссаларнинг ўзгариш характери сифат жиҳатдан деярли бир хил. Аралашмага киритилган халкоген миқдори ортиши билан электр ўтказувчанлиги дастлаб чизикли ортиб боради, термоэюк коэффиценти чизикли камайд.



4-расм.  $\text{NH}_4\text{J}$  билан легирланган  $\text{Bi}_2\text{Te}_3\text{-Bi}_2\text{Se}_3$  қотишма тўйинган буғ босимининг 703-823 К оралиқда ҳароратга боғланиши (2-чизиклар). 1-легирланмаган намуналар учун.



**5-расм. Кварц тигелда синтез қилинган 80 мол. %  $\text{Bi}_2\text{Te}_3$  ва 20 мол.%  $\text{Bi}_2\text{Se}_3$  асосга қўшимча киритилган теллур (а), селен (б), олтингутурт (с) микдорига боғлиқ равишда термоэлектрик параметрлар ўзгариши.**

Эритиш жараёнида буғланиш натижасидаги масса йўқотишлар  $\Delta M$  фоизи аралашмага киритилган халкогеннинг кўпайиши билан асосан чизиқли ортади (селенда эса тез тўйинишга чиқади). Халкоген қўшимчанинг кейинги кўпайишида электр ўтказувчанлигининг ортиш ва термоэюк коэффициентининг пасайиш тезлигини секинлашуви кузатилади.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, асоснинг параметрларини яхшилашнинг таклиф қилинган усули амалий фойдаланиш учун легирлашга яроқли асосни танлаш ва шихтага киритиладиган ортиқча халкогеннинг оптимал микдорини тўғри аниқлаш учун самаралидир. Ортиқча халкогеннинг мақбул микдори теллур учун 0,24 мол.%, селен учун 0,12 мол.% ва олтингутурт учун 0,08 мол.% эканлиги кўрсатилди. Бунда асоснинг термоэлектрик параметрлари  $\sigma = 580 \div 600 \text{ Ом}^{-1} \cdot \text{см}^{-1}$ ,  $\alpha = 200 \div 194 \text{ мкВ/град}$  бўлиши аниқланди.

Кварц ва графит тигелларда материал термоэлектрик параметрларининг яхши такрорланишини таъминлайдиган янги, янада самарали қотишма қўшимчасини қидириш йўналишида тадқиқотлар олиб борилди. Аммоний йодид тузи легирловчи қўшимча сифатида таклиф қилинди.


Аммоний йодид қўшимча сифатида бир қатор афзалликларга эга. Биринчидан, кам гигроскопикдир, иккинчидан,  $551^\circ\text{C}$  гача қиздирилганда парчаланмайди, учинчидан, эрмайди ( $551^\circ\text{C}$  да сублимацияланади), тўртинчидан,  $551^\circ\text{C}$  дан юқори ҳароратда аммоний йодиди қуйидаги схема бўйича парчаланади:




Ажраладиган водород йодиди юқорида санаб ўтилган йодга қараганда анча фаол кимёвий реагент бўлиб, аммиак қайтарувчи восита вазифасини бажаради, аралашмадаги оксидларнинг қолган изларини йўқ қилади. Қотишмаларнинг термоэлектрик параметрларини яхшилашда аммоний йодидининг бу барча афзалликлари намоён бўлади.

Аралашмага киритилган аммоний иодидининг концентрацияси 0,02 мол.% дан 0,12 мол.% гача ўзгатирилди. 6-расмда олинган қотишмалардан ясалган ярим элементларнинг термоэлектрик параметрларининг ўзгариши кўрсатилган. Худди шу расмда эритиш жараёнида буғланиш натижасида йўқотишлар фоизининг ( $\Delta M$ ) ўзгариши кўрсатилган.

Термогенераторлар учун қотишмаларнинг оптимал термоэлектрик параметрларга эга бўлган аралашма 0,04 мол.% аммоний иодидни кўрсатилган таркибга киритиш орқали олинди.



6-расм.  $\text{Bi}_2\text{Te}_3$  ва  $\text{Bi}_2\text{Se}_3$  асоснинг термоэлектрик параметрларини ва масса йўқотишлар  $\Delta M$  миқдорини қўшимча  $\text{NH}_4\text{I}$  концентрациясига қараб ўзгариши.




7-расм. Аммоний иодид билан легирланган  $\text{Bi}_2\text{Te}_3$  ва  $\text{Bi}_2\text{Se}_3$  нинг термоэлектрик параметрларининг ҳароратга боғлиқлиги.

Тайёрланган ярим элементларнинг параметрлари  $\sigma=1000 \text{ Ом}^{-1}\cdot\text{см}^{-1}$ ,  $\alpha=150 \text{ мкВ/град}$ .

Термоэлектрик материаллар юқори ҳароратларда ишлаганлиги учун материалнинг термоэлектрик параметрининг ҳароратга боғлиқлигини текширилди. 7-расмда 0,04 мол.% аммоний иодли  $\text{Bi}_2\text{Te}_3$  ва  $\text{Bi}_2\text{Se}_3$  намуналари учун электр ўтказувчанлиги, термоэюк коэффициенти, иссиқлик ўтказувчанлиги ва самарадорлигини ҳароратга қараб ўзгариши кўрсатилган. Материалнинг самарадорлик кўрсаткичининг ўртача интеграл қиймати  $20 \div 300^\circ\text{C}$  ҳарорат оралиғида  $Z=1,59\cdot 10^{-3}\text{град}^{-1}$  ни ташкил қилиши аниқланди.

Ушбу технологиядан фойдаланган ҳолда қотишмалар олишда қотишмани эриш жараёнида қуйма узунлиги бўйлаб тақсимланишининг бир жинслилигини текшириш зарур эди. Олинган қуйма цилиндрсимон шаклга эга бўлиб, узунлиги 9 см ва диаметри 3,2 см ни



8-расм.  $\text{Bi}_2\text{Te}_3$  ва  $\text{Bi}_2\text{Se}_3$  қотишма-нинг узунлиги бўйлаб термоэлек-трик параметрлар ўзгариши.

ташқил этган. Эриш вақтида буғланиш туфайли масса йўқотилиши тўсқичдан фойдаланганда 0,04 мол фоизга тенг бўлди.

Қуйма узунлиги бўйлаб 10 та тенг қисмга бўлиниб, ҳар бир қисмидан қуқунли металлургия ёрдамида ярим элементлар ясалган. Олинган ярим элементларнинг термоэлектрик хусусиятларини ўлчаш натижалари 8-расмда кўрсатилган. Улар шуни кўрсатадики, олинган қуйма ўзининг термоэлектрик хусусиятларига кўра узунлиги бўйлаб деярли бир жинслидир.

Заряд ташувчиларнинг сочилиш механизмларини текшириш мақсадида  $\text{Bi}_2\text{Te}_3 + 0,04 \text{ мол. \% Ni}$  қотишмасининг кристалл зонавий моделига сифат жиҳатдан асосланган ҳолда биз  $77 \div 300 \text{ K}$  ҳарорат оралиғида термоэюк ва электр ўтказувчанлиги ўрганилди ҳамда уларнинг доимий магнит майдонида ўзгариши тадқиқ қилинди. Шунингдек заряд ташувчиларнинг Холл ҳаракатчанлиги  $\mu$  ва Холл коэффиценти  $R$  ҳам миқдорий баҳоланди.


9-расмда термоэюкнинг ( $\alpha$ ) ҳароратга боғлиқлиги кўрсатилган. Ундан кўринадикки,  $T < 180 \text{ K}$  да ўзгариш чизикли бўлиб, электрон газнинг айнаган ҳолатига тўғри келади ва тақрибан

$$\alpha = \frac{2\pi^{\frac{2}{3}}k_0^2m^*T}{3^{\frac{5}{3}}eh^2p^{\frac{2}{3}}}\left(r + \frac{3}{2}\right), \quad (4)$$


формула билан ифодалаш мумкин. Бу ерда:  $k_0$  -Болцман доимийси,  $m^*$  - ҳолатлар зичлигининг эффектив массаси,  $e$  -электрон заряди,  $\hbar$  -Планк доимийси,  $p$  -заряд ташувчилар концентрацияси,  $r$  -сочилиш параметри бўлиб,  $r = -1/2$  - акустик фононларда,  $3/2$  –ионларда,  $1/2$  - Дебай ҳароратидан паст бўлган оптик фононларда сочилишлар учун.

Ҳароратнинг  $T > 180 \text{ K}$  дан юқори қийматларида термоэюк чизикли ортиши (4) формуладан келиб чиқади. Тажрибада  $T = 250 \div 260 \text{ K}$  ҳароратга етганда термоэюкнинг тўйиниши ва сўнгра камайиши кузатилади.

Термоэюкни бундай ўзгаришини, биз ўрганаётган қотишма  $\text{Bi}_2\text{Te}_3$  га хос бўлган мураккаб валент зонанинг тузилиши билан изоҳлаймиз.  $\text{Bi}_2\text{Te}_3$  нинг валент зонаси оралиғи  $\varepsilon = 0,02 \text{ эВ}$  энергияга эга бўлган 2 та кичик зонага



**9-расм. 0,04мол% Ni қўшилган  $\text{Bi}_2\text{Te}_3$  қотишмаси учун термоэюк коэффицентиининг ҳароратга боғланиши.**



**10-расм. 0,04мол% Ni қўшилган  $\text{Bi}_2\text{Te}_3$  қотишмаси учун Холл коэффицентиининг ҳароратга боғланиши.**

бўлинган. Айтиш мумкинки,  $T = 200$

К дан паст ҳароратларда, ўтказувчанлик жараёнларида асосан биринчи тағзонадаги Холл ҳаракатчанлиги  $R_x$  юқори ва ҳолатлар зичлигининг эффектив массаси  $m^*$  кичик бўлган “енгил” коваклар иштирок этади.

Ҳарорат  $T$  пастлиги ва концентрация  $p$  миқдори катталиги натижасида заряд ташувчиларнинг айланиш ҳолатида, температура ортиши билан “енгил” ковакларнинг бир қисми ҳолатлар зичлигининг эффектив массаси каттароқ ва ҳаракатчанлик камроқ заряд ташувчилар айланимаган ҳолатига эга бўлган иккинчи тағзонага-оғир коваклар зонасига ўтади. Шунингдек, тадқиқот олиб борилаётган материалнинг валент зонаси тузилиши ноодатий характерга эгаллигини Холл коэффиценти ва ҳаракатчанлигининг температуравий боғланишлари ҳам тасдиқлайди (10- ва 11-расмлар). Холл коэффиценти учун сферик зоналар ва тешиклар сочилиш механизми бир хил деб олинганда

$$R_x = \frac{r}{e} \frac{p_1 \mu_1^2 + p_2 \mu_2^2}{(p_1 \mu_1 + p_2 \mu_2)^2}, \quad (5)$$


ифода ўринли, бунда  $p_1, \mu_1, p_2, \mu_2$  – мос ҳолда 1- ва 2-тағзоналардаги тешиклар концентрацияси ва ҳаракатчанлиги. Ҳарорат ортиши билан Холл коэффиценти ҳам дастлаб ортиб боради, максимал  $R_{max}$  қийматига тағзоналардаги электр ўтказувчанликнинг тенг қийматларида  $\sigma_1 = \sigma_2$  эришилади. Юқори ҳароратларда  $R_x$  катталиқ, қолган кинетик коэффицентлар каби иккинчи тағзона ташувчилари билан аниқланади ва температурага қараб улар концентрациянинг ортиши

$$R_x = \frac{r}{pe} \quad (6)$$

ифодага асосан  $R_x$  қийматини камайишига олиб келади (10-расмга қаранг).

Мураккаб зонали ярим ўтказгичлар учун  $R_x$  максимумга эришадиган ҳароратда  $R_x, \alpha_{ум}$  ва  $\sigma_{ум}$

параметрларни комбинацияси орқали  $b = \frac{\mu_2}{\mu_1}, \frac{p_2}{p_1}, \Delta\epsilon$  каби зонавий параметрларни аниқлаш мумкинлигини таъкидлаймиз. Юқорида санаб ўтилган параметрларни аниқламасдан ҳаракатчанликни бевосита ҳисоблаш усулларида бири, температуравий боғланиш графиги 12-расмда келтирилган қаршиликнинг магнит майдонида ўзгариш эффектидан фойдаланишдир:  $\Delta\rho/\rho \sim \left(\frac{\mu H}{c}\right)^2$ . Кўринадики, 11- ва 12-расмлардаги графиклар сифат жиҳатдан жуда ўхшаш. Доимий магнит майдонида ( $H=\text{const}$ )  $\Delta\rho/\rho$  ўзгаришни заряд




**11-расм.  $\text{Bi}_2\text{Te}_3 + 0,04$  мол %  $\text{Ni}$  қотишмаси учун коваклар Холл ҳаракатчанлигининг ҳароратга боғлиқлиги.**

ташувчиларнинг Холл ҳаракатчанлиги  $\mu$  ни ҳароратга боғланиши орқали аниқлаш мумкин ( $c=3 \cdot 10^8$  м/с) ёки аксинча.

Валент зонасининг иккиланганлик моделини эътиборга олсак,  $\Delta\rho/\rho$  нинг 80-150 К ҳароратлар орасида ортишига иккита сабаб бор: биринчидан,  $T < 150$  К ҳароратлар орасида ҳаракатчанликнинг ортиши ва иккинчидан, биринчи зонадаги ташувчилар концентрациянинг камайиши ва мос ҳолда умумий ҳаракатчанликнинг камайиши.  $T > 150$  К ҳароратлар орасида  $\Delta\rho/\rho$  қийматининг камайишига иккинчи тағзона заряд ташувчиларининг ҳолатлар зичлигида эффектив массасини ортиши ва панжаранинг акустик тебранишларида сочилишдан ҳаракатчанликни пасайиши сабаб бўлади.

$\Delta\rho/\rho$  нинг ўзгариши бўйича келтирилган маълумотларни, Холл эффекти ва электр ўтказувчанликдан бирданига аниқланган, ҳаракатчанликнинг ҳисоблаб топилган қийматлари тасдиқлайди. Ҳақиқатан ҳам,  $T < 150$  К ҳароратлар орасида ( $\Delta\rho/\rho$ ) нинг ортиши,  $T > 150$  К дан юқорида уларнинг камайиши кузатилади (12-расм).  $\text{Bi}_2\text{Te}_3$  ва улар асосидаги қотишмаларда ( $\Delta\rho/\rho$ ) нинг бундай ўзгариши адабиётларда  $r$  сочилиш параметрининг ўзгариши билан тушунтирилади.



12-расм.  $\text{Bi}_2\text{Te}_3 + 0,04$  мол % Ni қотишмаси учун  $H = 3600 \cdot 10^{-4}$  Тл. магнит майдонида солиштирма қаршилиқ нисбий ўзгаришининг ҳароратга боғлиқлиги.

Тутқичли кварц тигелда ковакли ўтказувчанликка эга легирланган материал олиш учун асоснинг  $\sigma = 1000 \text{ Ом}^{-1} \cdot \text{см}^{-1}$ ,  $\alpha = 200 \text{ мкВ/К}$  термоэлектрик параметрларини таъминловчи таркиб олинган: Bi - 16,179 мол.%, Te - 56,993 мол.%, Sb - 25,828 мол.%. Сўнгра легирловчи қўшимча сифатида қўрғошинди. Оптимал концен-трацияни аниқлаш учун аралашмага 0,05 мол.% дан 0,30 мол.% гача миқдорда қўрғошин киритилди. Қотишманинг оптимал термоэлектрик хусусиятлари 0,05 мол% легирловчи қўшимча киритилганда эришилди. Бу ҳолда электр ўтказувчанлик  $\sigma = 1500 \text{ Ом}^{-1} \cdot \text{см}^{-1}$ , термоэюк коэффиценти  $\alpha = 175 \text{ мкВ/град}$ . Қуйманинг узунлиги бўйича термоэлектрик хоссаларини ўлчаш натижалари таркиб бир жинсли тақсимланганлигини кўрсатди. Бунда энг муҳими эриш жараёнида қотишмани аралаштириш зарур эмас.

Тўртинчи боб “ $\text{Bi}_2\text{Te}_3$ -  $\text{Bi}_2\text{Se}_3$  ва  $\text{Bi}_2\text{Te}_3$ -  $\text{Sb}_2\text{Te}_3$  термоэлектрик қотишмалар амалий қўлланишининг баъзи физикавий масалалари” деб номланган. Унда термоэлементларнинг температуравий нотурғунлигини ва унинг фазовий-температуравий боғлиқлигини ҳисоби, нотурғун совутиш жараёнларига термоэлемент контакт соҳаларидаги жоул иссиқлигининг таъсири, яримўтказгичли термоэлементларнинг экстремал ишлаш режимлари

ва улардан термогенераторлар сифатида фойдаланиш истиқболларини тадқиқ этиш натижалар келтирилган.

